

## Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларига ижтимоий маданий кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида энг кам:

иш ҳақи — ойига 15525 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 30750 сўм;

ягона тариф севатси бўйича бошланғич (нулчич) разряд — ойига 15525 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 30750 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 18625 сўм миқдоридида белгилансин.

3. Белгиланган қўйилсинки, иш ҳақига қўшилган ус-тама ва турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан

биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харajatлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидидаги қорхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини оши-

риш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан ҳўжалик юри-тувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини ошири-

син.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 1 августдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатлари-га ўзгартириш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

9. Мазкур Фармоннинг иж-росини назорат қилиш Ўзе-бекистон Республикаси Бош ва-зири Ш.М.Мирзиёев зимма-сига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 10 июль

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3889-сонли Фармонида шарҳ

Фуқароларнинг моддий фаровонлигини мутта-сиял ошириб бориш, аҳолининг аниқ ва ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳуку-матинининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз-да ўртача иш ҳақи миқдори 2006 йилнинг охирига келиб 187,6 минг сўмга ёки 150 АҚШ долларига етди. Айни вақтда ушбу кўрсаткич санаятда 301,4 минг сўмни, алоқа тизимида — 293,8 минг ва транспорт тизимида — 285,9 минг сўмни ташкил этди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорла-ри 2006 йилнинг ўзигагина 44 фоиз, умумтаълим мактаб-лари ўқитувчилари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорлари эса, моддий рағбатлантиришни ҳам қўшиб ҳисоб-лаганда, ўртача 2 баравар кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ушбу Фармон мамлакатимизда аҳолининг меҳ-нат ҳақи ва турмуш даражасини изчиллик билан ошириб боришни таъминлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги Фармони билан бюджет муассасалари ва таш-килотлари ходимларининг иш ҳақи, барча тоифалардаги пен-сиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар шу йилнинг 1 августидан бошлаб 1,25 баравар оширилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорлари:

- маориф соҳаси ходимлариники - 100 минг сўмдан, шу жумладан ўқитувчиларники - 117 минг сўмдан ошадди;
- солиқни сақлаш ходимлариники кўпайиб, 87 минг сўмга

етади, шифокорларники эса - 128 минг сўмдан ошадди.

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори амалдаги 12420 сўм ўрнига 15525 сўмни ташкил этди. Шунга мувофиқ, иш ҳақига қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, бо-лали оилаларга бериладиган нафақалар, компенсация ва бошқа тўловлар мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини ошириш Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Бандликка қўмақлашиш жамғармаси томонидан таъминла-нади. Ушбу мақсадлар учун 2007 йилнинг охиригача салкам 460 миллиард сўм маблағ қўшимча равишда ажратилади.

Мазкур Фармонда ҳўжалик ҳисобидидаги қорхона ва ташки-лотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ишлаб чиқ-ариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайти-риш билан боғлиқ ҳолда ошириш ҳам назарда тутилган. Бун-дан ташқари, ҳўжалик ҳисобидидаги қорхона ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақини оширишнинг ишончли манбаларини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг бошидаёқ ҳўжалик юри-тувчи субъектларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун я-гона солиқ тўлови ставкаси эса 13 фоиздан 10 фоизга пасай-тирилди. Шунинг ҳисобига бўшайдиган 104 миллиард сўмдан кўпроқ миқдордаги маблағ ҳўжалик ҳисобидидаги қорхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини оширишига мақсад-ли тартибда йўналтирилади.

Умуман олганда, Республика Президентининг мазкур Фар-мони қабул қилинишини 2010 йилгача аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар шундан иборат кенг мекёли дастурининг амалга оширилиши бошлангани, деб билиш керак.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга оши-ришда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жихатдан қайта жиҳозлашда кенг иш-тирок этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаш-тиришнинг устувор йўналиш-лари этиб белгилансин:

банкларнинг низоми жамғар-масини кўпайтириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркор-лик субъектлари ва эҳтимол ту-тилган инвесторлар, шу жум-ладан хорижий инвесторлар-

нинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чи-қариш ва уларни фонд бозо-рида фаол жойлаштириш ҳисо-бига банкларнинг капиталла-шув даражасини ошириш;

тижорат банкларининг ўз капиталли ҳисобидан янги за-моний ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда мавжуд қорхоналарни модернизация-лаш, техник ва технология жи-ҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда ра-қобатбардор, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш;

нақд пуlining банқдан таш-қари айланишини янада қис-тириш, миқдорларини бирин-чи талаби бўйича нақд пул би-

лан улуғсиз ва сўзсиз таъмин-лаш;

минибанклар тармоғини кенгайтириш ва банклар томи-нидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш, ми-жозларга хизмат кўрсатиш си-фатини ошириш;

тижорат банкларини юқори малакали профессионал кадр-лар билан мустаҳкамлаш, банкларнинг хизмат кўрсатиш масъулияти ва маданиятини ошириш.

2. Молия вазирлиги томи-нидан 2006 йил якунлари бўйича давлат бюджети ҳисо-бига ўтказилиши лозим бўлган Марказий банк фойдасининг бир қисмини қуйидаги банк-ларнинг низоми жамғармасини кўпайтириш ва инвестициялаш ресурслар базасини кенгайти-ришга йўналтириш тўғрисида-

ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия ва-зирлигининг таклифи маъқул-лансин:

«Микрокредитбанк»ка - 42 миллиард сўм, шу жумладан 32 миллиард сўм низоми жамғар-масини кўпайтириш ва 10 мил-лиард сўм кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақ-садида кредит линияси очиб қўлиш;

«Пахтабанк»ка - 25 милли-ард сўм ҳажмида, шу жумла-дан 15 миллиард сўм низоми жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм меза-саба-вот ва чорвачилик маҳсулотла-рини тўлиқ қайта ишлаш бўйи-ча инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кре-дит линияси очиб қўлиш;

(Давоми 2-саҳифада)



Халқимиз инсон қўли билан яратил-ган сопол маҳсулот-ларни лой ва оловдан яралган мўъжиза, деб эъозлайди. Юртимизда бу хунар неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос кулчилик мактаб-лари, анъаналари шаклланган. Улар орасида Самарқанд кулчиликнинг ўзига хос хусусияти ва шон-шўхрати бор.

Самарқанд шаҳри Тазар маҳалласида яшовчи ёш хунар-манч Азамат Ботиров отаси Ҳайдар Ботиров изидан бориб, лойдан мўъжиза яратилган. Отаси-нинг «Халқимиз кулчилик бўлиб ўтди» расомини, ҳайкал-тарошлик, меймор-лик қўбиятларини шакллантириши керак», деган ўғитларига ҳар доим амал қилиб келган Азамат ўтган йили «Келажак овози» Республика курик танловидида биринчи ўринни қўлга киритди.

СУРАТДА: ёш хунарманч Азамат Ботиров.

Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Муносабат: «Қишлоқ ҳаёти»га жавоб берадилар «Аҳвол қалай, хусусийлашган қорхона?»

Фаргона вилояти ҳокимлиги «Қишлоқ ҳаёти» газетасида босилган «Аҳвол қалай, хусусийлашган қорхона?» сарлавҳали мақолада кўтарилган масалаларни Давлат мулк қўмитасининг вилоят бошқармаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси ва Олтириқ тумани ҳоким-лиги билан биргаликда жойида ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Олтириқ тумани Файзобод посёлкасида жойлашган «1-сон Файзобод қишлоқ қури-лиш» маъсулияти чекланган жамияти 1965 йилда ташкил этилган бўлиб, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришга асосланган ва ту-гатилган «Ўзжамоақурилиш» бирлашмаси тизимида бўлган.

Мазкур жамиятнинг ташкил этилиши жараёнида жамоа ҳўжаликлари маблағларидан фойдаланилганлиги ва кейин-чалик «Ўзжамоақурилиш» бир-лашмаси таркибига қўшилиб, жамиятнинг 51 фоиз акциялари бирлашмага ўтказилганлиги, 1998 йилда бирлашма тузатилиш жараёнида ушбу акциялар сотил-ганлиги, ҳозирги кунда маъсули-яти чекланган жамият сифатида рўйхатга олинб, асосий улшдор сифатида С.Мирзахонов қайд этилганлиги аниқланди.

Қорхонанинг бюджет ва бюджетдан таш-қари фондлардан қарзи деярли йўқ бўлиб, асо-сий мажбурияти жамият таъсисчиси С.Мир-захоновдан бўлиб, у томондан ҳам ашё ма-териаллари ва бошқа моддий бойликлар ет-казиб берилган. 2007 йилнинг ўтган 6 ой

«Мудофаа тўғрисида»ги ҳамда «Умумий ҳарбий мажбу-рият ва ҳарбий хизмат тўғри-сида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши, ўз навбатида, мил-лий армиянинг салоҳиятини янада ошириш, жанговар шай-лининг юксалтиришга хизмат қилиш баробарида ҳарбий и-слохотлар мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берди.

Албатта, армиянинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч — бу унинг сафла-рида, хиз-мат қилаёт-ган ин-сонлар-дир. Шу-нинг учун ҳам ҳарбий соҳадаги ислохот-лар, аввало, шу заминда ту-ғилиб ўсган, вояга етган ва-танпарвар инсонларга эъти-бор, ғамхўрликка қаратилди. Буни айнаник, кейинги йил-ларда қабул қилинаётган Фар-мон ва қарорларда ҳам кўриш мумкин. Уларнинг аксарияти армия сафларида хизмат қилаётган, юрт ҳимоясини ўзига касб деб билган ҳар-бийларимизни ижтимоий жиҳозлаш, уларга имтиёзлар яратишга йўналтирилганини бугунги жараён кўрсатиб ту-рибди.

2007 йил 6 июль кўни туман-да вилоят прокуратураси, Давлат мулк қўмитасининг вилоят бошқармаси, Монополиядан чи-қариш, рақобат ва тадбиркор-ликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси, Олтириқ тумани ҳокимлиги ҳамда туманда-ги мутасадди идоралар раҳ-барлари ва қорхоналар раҳ-барлари билан ўтказилган суҳбатда ушбу жамият таъсис-чиси томонидан қорхона фаолияти-ни юритиш чоралари қўрилаётганлиги ва яқин кунларда иш бошлаши билдирилди.

Қорхонанинг фаолият кўрсатиш юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилиш туман ҳокимлигининг доимий ишловчи комиссия-си зиммасига юклатилди.

Р.ЖАЛИЛОВ, Фаргона вилояти ҳокими ўринбосари.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг бевосита Прези-дентимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар сингари мудофаа тизими-да ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Миллий армияни шакллантириш йўлида, демократик, Истиқлолни мустаҳкамлаш, эл-юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим қадамлар қўйилди.

2005 йил 30 июнда Прези-дентимиз томонидан имзо-ланган Ўзбекистон Республика-си Қуроли Қўчаларининг хиз-матчиларини ижтимоий муҳо-фаза қилишни таъминлаш бо-расидаги қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги қарор юқоридagi фикримиз далили-дир. Зеро, ушбу ҳужжатда белгиланган тартибда уй-жой

## Мамлакатнинг мустақам қалқони

билан таъминланмаган хар-бий хизматчиларни турар-жойлар билан таъминлаш ма-саласи алоҳида қайд қилиб қўйилди ва бу борда аниқ ишлар амалга оширилмоқда.

Президентининг Қуроли Қўчаларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўнланган бай-рам табригида келтирилган «...Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командир-ларнинг юқори профессионал қўбияти ва малакасини таъ-минлаш, уларнинг интеллек-туал савиясини хар томонла-

ма ривожлан-тиришга қара-тилган офи-цер кадрлар тайёрлаш ти-зими яратил-ди», деган гаплари ҳам бугун амалиётда, ҳаётда ўз инъикосини топиб улгурган.

Яъни, ушбу йиллар ичида Жиззах-да ҳарбий учув-чиларни тайёр-ловчи билим

Истиқлол — бахитимиз, саодатимиз!

16 yil

Фаттоҳов. — Бу эса малакали кадрлар — офицерлар етишиб чиқшига замин қўяди. Мустақил мамлакатимиз ўзининг мустақиллик қалқони эга бўлган, хар томонлама мудоҳада юри-тувчи, аниқ мақсадни қўлов-чи биз ками ёшларга катта эътибор қаратаётганим, демократик шай турши асосий бурчимиз бўлмоғи даркор.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун баралла айта оламизки, замонавий, хар қандай синовлар-нинг энг би ушга қодир, бу-тунлай янги асосларда таш-кил этилган ва стратегик мак-садларимизга мос келадиган миллий армиямизни шаклланти-риш борасида амалга оши-рилаётган ишлар кишини қувонтиради. Барчамиз учун энг муҳими, ўтказилаётган и-слохотлар, сайё-харакатлар натижасида муқаддас заминимизда, юртимизда тинчлик ҳукмрон. Халқимиз ҳаёти осийишта кеңайтир.

Дилшоҳ УЛУҒМУРОДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Ўзбекистон Республи-каси Президенти Ислам Каримов 11 июль кўни Оксаройда Япониянинг мамлакатимиздаги Фав-қулдада ва мухтор элчи-си Юичи Кусумотони дип-ломатик ваколат муддати туггани муносабати бил-лан қабул қилди.

Ўзбекистон Республика-си Адлия вазирлигида жор-ий йил биринчи ярмида амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда келгуси-даги устувор вазифаларнинг ижросига бағишланган ке-нгайтирилган хайъат йиғили-ши бўлиб ўтди.

Тошкент давлат юри-дик институтида «Улим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар-га ўтказиш - жамиятнинг демократлаштиришдаги муҳим қадам» мавзусида халқаро он-лайн конфе-ренция бўлиб ўтди.

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази-нинг Жиззах вилоят Фи-лиалида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш жараёнида тез тиббий ёрдам-ни ташкил этишнинг дол-зарб масалаларига бағиш-ланган илмий-амалий анжум-ан бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳрида жисмоний имконияти че-кланган болалар ўртасида анъанавий «Мафтункор ранглар дунёси» республи-ка курик-танловининг вилоят босқичи ўз ниҳоя-сига етди.

Пойтахтдаги Бунёдкор ёшлар телекулубида Ўзе-бекистон Республикаси таби-атни муҳофаза қилиш дав-лат қўмитаси ва «Экосан» халқаро ташкилоти ҳамкор-лигида иклим ўзгаришига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Юнон-рум ва эркин ку-раш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осий чем-пионатида муваффақият-ли иштирок этиб, жами бешта бронза медалини қўлга киритди.

Анджидон вилоятининг Қорасув шаҳрида Ўзе-бекистонда хизмат кўрсатган ма-даният ходими Абдулхай Махсум Қазақов ва Ўзе-бекистонда хизмат кўрсатган артист Хасанбой Султоновнинг хотирасига бағишланган кулгу кечаси бўлиб ўтди.

Аҳмад ал-Фарғоний но-мидаги Фаргона вилоят қутубхона марказида қўхна Марғилон шаҳри-нинг 2000 йиллиги муно-сабати билан яратилган сара китоблар тақдими ўтказилди.

# Банкларнинг капиталлашуви янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнида уларнинг иштирокини фавқулодда чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-саҳифада)

«Ипотекабанк»ка - 25 миллиард сўм, шу жумладан 15 миллиард сўм низоом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм ипотека кредитлари ҳақини ошириш мақсадида кредит линияси очилди.

Тижорат банкларига йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, банк фойдасининг ҳамда 30 фоизини банк акционерлик капиталини кўпайтиришга йўналтириш тасвирга айланди.

3. Тижорат банкларига 2012 йилнинг 1 январига қадар (фойда) солиги бўйича солиқда тортиладиган базани тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ иқтисодийнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўз йилдан ортқ мuddатга берилган кредитлардан олинган даромадлар суммасига тенг миқдорда қайтариш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой мuddатда маърузу солиқ имтиёзларини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.

4. Қуйидаги тартиб ўрнатилди ва унга мувофиқ тижорат банкларининг акцияларини фонд биржасида бирламчи оқиб жойлаштириш муомаласига янги чиқарилаётган акциялар ҳақининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади (хусусий банклар бундан мустасно);

тижорат банклари акциялари мажбурий тарзда фонд биржаси листингига киритилди ва мунтазам биржа котировкалари таъбиотда эълон қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ипотека кредитларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилаётган маблағларни банкларро бозордан Жамғарма томонидан жалб қилинган маблағлар бўйича фойз ставкаси ва Жамғарма томонидан имтиёзли кредитлаш дастурини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига берилган имтиёзли кредит линиялари бўйича фойз ставкаси ўртасидаги салбий маржани қоплаш учун мақсадли йўналтирилди.

6. Тижорат банклари: ўз филиалларига товар-моддий бойликлар, даромадлар ва бошқа ресурсларни берганда - қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиғидан;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий молия институтларининг жалб қилинган кредит линияларини бўйича тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган фойзлар ва бошқа тўловлар бўйича - тўлов манбаидан олинган солиқлардан озод қилинсин.

7. Пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган пластик карточкалар, тўлов терминаллари, дастурий таъминот, банкноматлар, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари ва бошқа ускуналар ҳамда зарур материаллар импорт қилиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ри-вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 445-сонли қарорига асосан берилган божона ва солиқ имтиёзларининг амал қилиш мuddати 2010 йилнинг 1 январига узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон банклари уюшмаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, тижорат банклари билан биргаликда бир ой мuddатда қуйида-гилар бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

тижорат банклари, молия институтлари, эмитентларни ва улар томонидан чиқарилаётган қимматбахо қўғозларни яққа тартибда рейтингли баҳолаш миқдори тизимини жорий этиш;

тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг агентликлари-нинг кредитга лаёқатлилик рейтингларини олиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирли-ги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бир-галикда бир ой мuddатда конун ҳужжатларида маърузу қарор-дан қелиб қиқидиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ва-зирлар Маҳкамасига тақрифлар киритсин.

10. Маърузу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зимма-сига оқлатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 12 июль

## КҮН ТАРТИБИДА - ЁШЛАР МАСАЛАСИ

Бугун мамлакатимиз-да бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам ёшларнинг илгор педагогик технологиялар асосида билим олиш учун барча зарур шарт-шароитни яратиб, аҳоли, айниқса, йигит-қизлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг юрт равнақи, халқ фаровонли-ги йўлидаги ташаббус-ларини қўллаб-қувват-лашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ёшлар-ни ўйлантираётган муам-молар ҳам йўқ эмас. Хусусан, навқирон авлоднинг жиноят-чилик, гиёҳвандчилик иллатла-ридан, турли мафкуравий ҳуружлардан ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқий мад-аниятни оқсатириш, эҳтиёж-манда оилалар фарзандлари-га ҳар томонлама ғамқўрлик кўрсатиш бугунги кундаги муҳим вазифалардандир. «Камолот» ёшлар ижтимо-ий ҳаракати вилоят кенгаши, сиёсий партиялар ва бошқа ҳамаюл таъшиқотлари билан бирга айнан шу мақсадда қатор ишларни амалга ошир-моқда.

Термиз шаҳрида «Ёшлар-нинг жамият ҳаётдаги ўрни ва фаоллиги» мавзусида ўтган илмий-амалий семинарда шу ҳусусда атрофида фикр юритилди. Вилоят ҳокими-лиги, «Камолот» ёшлар ижтимо-ий ҳаракати вилоят кенгаши, сиёсий партиялар, Фуқаро-лик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят фили-али ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда воҳанинг юзлаб фаол йигит-қизлари иштирок этди. Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, касб-ҳунар қол-лаҳларини тугатган йигит-қизларни иш билан таъмин-лаш бўйича ҳам тақлиф-му-лоҳазалар билдирилди.

Х.МАМАТРИМОВ, ЎЗАИ муҳбири

Тошлоқ деган қишлоқда умри сувчилик билан ўтган, жуда зий-рак, оқ-қорани яхши ажрата ола-диган бир қария яшайди. Қи-шлоқда кам таъминланган оила-ларга соғин сизирлар берилган-лигининг гувоҳи бўлгач, отахон менга:

— Бир воқеани сизга гапириб берай. 80-йилларда қишлоғи-мизда қийналиб қолган оилалар анчагина эди. Лекин шу қийна-либ қолган одамлар бирор жой-га ёрдам сўраб боришса, тавба-сига таянтиришган. Эндиги за-монни қаранг. Давлатнинг ўзи «Қани, бир аниқланглар, кам таъ-минланган оилалар қанча экан», деб кўрсатма берапти.

Бизнинг қишлоғимиздан Эрмонали деган йигит ҳам соғин сизир олди. Жониворининг емиши яхши бўлса, ўн литрдан кам сут бермас экан. Рўзгор-ларига дарров барака кирди.

— Бу саховатни ўйлаб толган Юрт-бошимизга раҳмат, — дейди юзларидан нур ёйилган отахон.

Бундан икки-уч йил илгари шол-чилик ҳужжалиридан бирига Австра-лиядан меҳмонлар қелиб, бу ердаги ишлар билан танишдилар. Меҳмонлар-дан бири Ўзбекистонда бўлаётган ўз-га

# Янгича яшаётган одамлар

ришларни ўз кўзи билан кўрганлигини айтиб, «Юртингизнинг ютуғидан қув-ониб яшанг», дея тилак билдирди. Уша пайт меҳмоннинг гапига қўпм эътибор бермаган эканман. Фермер бўлган қўшининг қувончини кўриб, беҳи-тиёр шу гап ёдимга қелди. Ахир ге-ктар-гектар ерларни кечагина кетмон кўтариб юрган дехқоннинг ўзига хат-лаб бериб, «Мана, биродар, рўзо-рингни қилиб бердим, қани ўзингни кўрсат», деб турса, бу юртинг юту-ғи эмасми?

Мустақилликнинг одамлар онгидан очган янги бир қўриқ, шубҳасиз, фер-мерликдир. Ўтган йиллар мобайнида оддий дехқондан билимдон, пишиқ фермерларга айланган қишлоқларни кўрдик. Улар ҳозир ҳисоб-китобдан гап кетса, даврада ҳеч қанга сўз бермайди, ҳаққини таниб қолган. Ернинг эса қадри оқиб бормоқда. Умид билан ер олган фермер, албатта, бирданга оёққа ту-

лигини яхши биламиз. Бу йилнинг «Иж-тимоий химоя йили» деб номланиши-да ҳам оқибат, меҳр-муҳаббат тарғиб қилинаётганини кўриб турибмиз. Бу эса халқ онгида бугунги ўзгаришларга ишончнинг мустаҳкамлайди. Бугунги кун-га ва келажакка, одамларнинг ишончи юрт ютуғидир! Бу ютуқнинг салмоғи — катта ва қилинмиши лозим бўлган вази-фаларнинг оstonасига қўйилган бирин-чи қадамдир.

Тадбиркорлик фаолиятига кенг ўрин берилиши, уларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ҳам юртинг ютуғи ҳисобланади. Нега-ки, эски замоннинг одамлар онгини занжирлаб ташлаганининг айнан бир томони, тадбиркорликнинг ҳар қандай кўринишини бўғиб ташлаш бўлган. Бунга дегурай йўл эди. Энди-чи? Вазият бутунлай бошқа томонга қараб ўзгарди. Одамлар тадбиркорликни ўрганмоқда, фарзандларига ҳам ўрат-моқда. Айниқса, ёшларимизнинг бу соҳага эътиборини кўпроқ қаратиш ҳар қил хавф-хатарларга эграшмаслик ва инсон меҳнат билан яхши шайиш мум-кинлигини тўғри англашга йўл очади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир одам, ҳоҳ ўш, ҳоҳ қари бўлсин, юртинг юту-ғидан кўзи қувонсин, ундан ифтихор қил-син. Зотан, шу Ўзбекистон, шу Ватан борлиғи билан бизникидир!

Ҳамид НОРКУЛОВ, журналист. Тошкент вилояти

## ЯНГИЛИКЛАР

### Ёш оилаларга кредитлар

Ўзбекистон Республика-си Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маъ-навий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида»ги қарорига биноан Наманган вилояти тижорат банклар томони-дан 3 миллиард сўм имтиё-зли кредит ажратилади. Ҳозирга 260 дан ортқ ёш оила имтиёзли кредит ёшди.

### Икки юз ишчи ўрни

Наманган шаҳрида «SILK HELL» Ўзбек-Хитой қўшма кор-хонаси ташкил этилди. 570 минг долларлик технологик жиҳозлар ўрнатиладиган қорхона 130 миң доллар айланма маб-лузга эга бўлади. Янги қорхонада 200 киши иш билан таъ-минланади.

Рустамжон УММАТОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири, Наманган вилояти

### Ёшлар фаоллиги — давр талаби

Термиз шаҳрида «Ёшлар-нинг жамият ҳаётда тулган ўрни ва фаоллиги» мавзуси-да илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар-ижтимоий ҳаракати, сиёсий партиялар вилоят кенгашлари, фуқаролик жа-мийатини ўрганиш институти вилоят филиали ҳамкорли-гида ташкил этилган ўшбу семинарда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолли-гини ошириш, маънавий ва маърифий ишлар изчилли-гини таъминлаш, таъсирчан-лигини кучайтиришга эъти-бор қаратилди.

Менгюр ОЛЛОМУРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири, Сурхондарё вилояти

### Янги техника ва технологиялар кўргазмаси

Тошкентда Жанубий Ко-реянинг «Samsung electronics» компанияси-нинг Ўзбекистондаги вако-латхонаси томонидан ўшбу компания қорхоналарида ишлаб чиқарилган янги тех-ника ва технологиялар тақ-димоти бўлиб ўтди. Унда замонавий қўринишдаги ўнлаб махсулотлар намой-иш қилинди.

«Туркистон-пресс»

## Галла нархи ошмоқда

Ўтган кунни ҳақон сав-до биржаларида галла-нинг нархи кутулмаган-да бир неча баробарга ошиб кетди.

Биржа савдоларига қўйил-ган донлар ўтган йилги ҳосил эканлиги айтилмоқда. Мута-

хассислар фикрича, бу йилги ҳосил деярли экспортга чиқари-лмаслиги мумкин. Чунки дунявий етакчи экспортчи давлатлари ҳам жорий йилда галлага эҳтиёж сезиши башо-рат қилинмоқда. Бу йилги баҳор мавсуми жаҳоннинг аксар-ият давлатларида қўрғоқ-чилик билан кечди. Оқибат-да галла ҳосилига жиддий пугур етди.




хосислар фикрича, бу йилги ҳосил деярли экспортга чиқари-лмаслиги мумкин. Чунки дунявий етакчи экспортчи давлатлари ҳам жорий йилда галлага эҳтиёж сезиши башо-рат қилинмоқда. Бу йилги баҳор мавсуми жаҳоннинг аксар-ият давлатларида қўрғоқ-чилик билан кечди. Оқибат-да галла ҳосилига жиддий пугур етди.

## Қарама-қаршилик бартараф этилди

Покистоннинг Исломобод шаҳрида жангарилар ва ҳукумат кучлари ўртасида бир ҳафта давом этган қарама-қаршиликлар бартараф этилди.

Шаҳардаги Қизил масжидга жойлашиб олган жангариларга қарши олиб борилган 36 соат-лик жанглардан сўнг амалиёт низоҳасига етган. Покистон ҳар-бийлари маълумотиға кўра, мас-жиддан 73 жангари ҳасадга ту-пилган. Жанглар давомида ўнга яқин ҳарбий ҳалок бўлгани ай-тилмоқда.



## Меҳнат ва ижоднинг қолипи бўлмади

Биз сўз юритмоқчи бўлган мавзунинг қизиқлиги ҳам шун-да. Албатта, меҳнат ва ижод-нинг қолипи бўлмади. Япон рассоми Токурау Андонинг асл касби ёнғин учирувчи эди. Чехов - врач, Чингиз Айтма-тов - зооветеринар, Бальзак - ҳуқуқшунос...

Наманган туманилик биз-нинг қаҳрамонларимиз эса Театр ва рассоомчилик олий мактаби дипло-мига эга...

Тўрт йил ол-дин меҳнат тадбиркорликка иштиёқи ба-ланд йигитлар «Зарбдор» шир-кат ҳўжалиғига қарашли қорва-чилик фермаси-нинг бир қисмини ижарага олишди. 1,3 гектар сатҳга эга майдон-да бир неча бино бор эди. Олинган 50 миллион сўм кре-дит ҳисобидан у таъмирлан-ди ва жиҳозланди. Тошкент-даги «Нур» паррандачилик фабрикасининг 13 миң бош жўжа олиб қелинди. Шундай қилиб беш таъсисчи «Уммон-СБК» номли МЧЖ қаддини тиклади.

Албатта, бу айтишга осон, аммо амалга ошириш... Барча нарсани — шаро-ит, қаров, емини жойи-да қилар экансиз-у, бироқ касаллик доримасин экан.

«Албатта, бу айтишга осон, аммо амалга ошириш... Барча нарсани — шаро-ит, қаров, емини жойи-да қилар экансиз-у, бироқ касаллик доримасин экан. Мана шу каби қийинчи-

ликларни енгиб қелишадиган Баҳоидир ва Одилжоннинг та-сарруфидо ҳозир 30 миңдан зиёд «Ломанн-Бранн-Классик» зотли қизил немис товуқлари бор. Шундан 8210 боши мах-сулот беради. Тухумининг до-наси 100 сўмдан. Даромадни ўзининг ҳомчўт қилиб кўраве-

тайёрланапти. Бу ҳам бир қўлайлик-да. Шунингдек, улар қиқнда тухум қасқонини ўзлари ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда. Йигитлар ижоддан ҳам тўхташгани йўқ. Мўъжазгина ижодхона, молберт, ранг-лар...

Одилжон Раҳматов Ўзе-кстон Рассоомлар уюшмаси-нинг аъзоси, «Сўқоқ», «Оқош» каби манзара-вий асарлари қўзин-гизни ашнатади. «Бахтиёр Бо-бов» портре-ти, «Филон қи-шлог» полотно-лари Баҳоидир Камолов мўйқаламига мансуб. Унинг ижо-дига чет элликлар ҳам қизиқиб билди-ришмоқда. «Қўштандир» асарини корейлик коллек-циячи сотиб олган. Улар бир неча бор пойтахтдаги кўргаз-маларда ҳам иштирок этиш-ди.

Лўнда қилиб айтганда, ижод билан тадбиркорликни ҳам баравар эплаш мумкин. Юртимизда бунга барча ша-роитлар яратилган. Баҳоидир ва Одилжон бу борада ибрат бўлгудек ишларни бажариш-моқда.

Рустамжон УММАТОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири, Наманган вилояти

# YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

## Ҳукм ўз кучида қолди

Ливияда ёш болаларга ВИЧ вирусини юқтирилган-да айбдор, деб топилган 6 нафар хорижий шифоқор-ларга тайинланган ўлим жазоси ўз кучида қолдирилди.

Мамлакат олий суди болга-риялик ҳамширалар ва бир фал-стинлик шифоқор ишини қайта кўриб чиқиб жазони бе-кор этмасликка қарор қилди. Улар 1998 йилда Бенгази шифо-хонасида даволанаётган 438 нафар бемор болаларга ВИЧ вирусини юқтиришда айбана-ниб, 2004 йилда Ливия махсаса-си томонидан ўлим жазоси-га тайинланган эди. Бедаво даргда қалинган 56 нафар бо-ла ҳаётдан кўз юмган. Шифо-қорлар айбловларни инкор этиб, шифоқонга вирус билан зарарланган қон улар иш бош-лашларидан аввал келтирилга-нини айтишмоқда.

Халқаро можарога айланиб улгурган бу ишда воситачилик қилган Каддофий фонди жағрланган оилаларга тоvon пули тўлаш йўли билан қелишувга эришишга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ фондинг уринишлари зое кетди.



Халқаро можарога айланиб улгурган бу ишда воситачилик қилган Каддофий фонди жағрланган оилаларга тоvon пули тўлаш йўли билан қелишувга эришишга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ фондинг уринишлари зое кетди.

## Ибрат

Кўнига 8 миң дона тухум етиштираётган паррандачи фермерлар Одилжон Раҳматов ва Баҳоидир Камолов, Бахтиёр Бобоев, Аскарбек Акбаровдан сабоқ олишган. Аммо... Ҳаммамизга маълумки, бу устозлар парранда-чилик илмининг етук мутахассислари эмас, таникли мусаввиру санъаткорлар.

Кейинги йилларда бир мавзуга қайта-қайта муҳожаат этишга тўғри келяпти. Бу яқиндаги ўпка-дан, узокдаги қўруқ афзал билиб, жараҳ-жараҳ пул топши ния-тида чет элга чиқиб кетаётганлар хусусидадир. Уларнинг билиб-билмай содир этаётган жиноятла-ри ҳақида оммавий ахборот воси-талари орқали кўплаб кўрсатув ва хабарлар бериб борилмоқда. На-тижа эса қониқарли эмас. Аксин-ча, қиска фурсатда кўп пул топши учун ҳар қандай қинғирликдан той-май, охира-оқибат жиний жаво-барликка тортилганларнинг қўла-ри очилиши ўрнига эски «хунар»-ларини яна давом эттиришапти. Ачинарлики шундаки, бу «хунар-лов»ларнинг аксариятини айлар ташкил этипти.

Жорий йилнинг 27 январиде жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди би-носиде яна бир аёл устидан суд ҳукми ўқилди. Қизик, яна бир аёл жинояти ва суд ҳукми... Афсуски, бу гапга «яна бир» жумласини қўшиб ишлатишга мажбу-римиз. Зотан, бугун бу ибора эшитган ки-шини хайратга соймайди, ҳеч қим «8 та-ваба» деб ёқа олмамайди. Чунки «чет эл-дан кўп пул топиб қелиш», деган фикр озгина қийинчиликка дош беролмай, ўзини бозорга соладиганларни ўз домига тортмоқда. Улар билан боғлиқ ишлар эса жиноятга бориб тақалаяпти.

Дилдора Мирхайдарова ҳам ана шун-дай аёллар сафидан ўрин олганлардан бири. У 1980 йилда Фарғона вилояти Кувасой шаҳрида туғилган. Қизилтепа шаҳри «Нефтич» кўчаси, 2-уйда рўйхат-да туради. Аммо Тошкент шаҳри Чилон-зор тумани 7-мавзе, 10-йўлининг 9-хона-сида яшайди. Унга тегишли маълумот-лар ҳам қизиқ. Бундайлар бир жойда кўнин топиб яшолмаган, манзили ҳам турли-туман бўлади-да. Энди 27 ёшга қадам қўйган жувон-дикинчи бор судла-нишга улгурибди (1999 йилда ўрилик билан судланган). Бу ахлодда қаромат-дига 2 нафар фарзанднинг тарбияси қандай кечаяпти экан?

Энди унинг жинояти билан боғлиқ маълумотларга тўхталасак. Дилдо-ра Мирхайдарова Тошкент шаҳридаги «Отчолар» бозори-нинг Навоий шаҳрига қатнови автобус-лар Эркиной бекатиде Эркиной исмли аёл билан танишиб қолган. Гап орасида у ёлғиз ўзи фарзандлари билан қийна-лаётганини билдирди. Пайтдан фойда-ланган Эркиной эса Дубайда Наташа исмли синглиси яшашини маълум қилиб, унинг бой қишига турмушга чиқкани-ю қўллаб мағазинлари борлигини, иста-са, ўша юртва бориб, ишлаб қелиши мум-кинлигини айтиди.

Хуллас, чет элга ноқонуний тарзда одам ёллаб жўнатишининг ҳадисини ол-ган Эркиной учун бу ишлар чўт эмасди. У ўзининг бу «қасби»га содиқ қолиб, ҳар домиги ёқими эртанини Дилдорага ҳам айтиб аврайдди. Худди ёш бола сингари бу эртанинг яхшилик билан тугашини истаган Д.Мирхайдарова дарров тақлиф-га рози бўлади. У ерда аёлни қелишиш-ни-дек, Наташа кўтиб олади. Бўйи яна ҳар домигидек давом этади: Наташа Дил-дорани олиб қўйиб боргач, паспортини қилидан олиб қўйиб, ўзини фойшалик билан шугулланишга мажбур қилган. Хуллас, 2006 йил январь ойининг охи-ридан бошлаб ўшбу йил май ойига қа-дар аҳоли шу тарзда давом этган. Сўнг Д.Мирхайдарова яшириб қўйилган жой-дан паспортини топиб, Наташанинг уй-идан қочиб чиққан ва ўзини ҳуқуқни му-ҳофаза қилувчи орган ҳодимлари қўлга топширган. Ноқонуний хатти-ҳаракати учун икки ой ўша юртва қамоқда ётган.

Кейинчалик уни Ўзбекистонга қайта-ри боғиришган. Тошкент халқаро аэро-портида Дилдора Ўзбекистон Республи-каси МХХ ҳодимлари томонидан қўлга олинган ва паспортига чет элга чиқиб учун рўхсат вазиса бўлмагани босис, жи-ноятчи сифатида тегишли орган ҳодим-ларига топширилган.

Д.Мирхайдарова Ўзбекистон Респу-бликаси Жиноят Кодекси 223-моддаси 2-қисми «б» бандида кўрсатилган жиноят-ни содир этганлиқда айбланиди.

Суд судланувчига нисбатан жазо тай-инлашда Ўзбекистон Республикаси Олий

## Назоратсиз хавф

курулиш компанияси нико-би остида Федерал ядро-вий назорат комиссиясидан 28 кун ичида «Америций-241» радиоактив моддаси-ни сотиб олиш лицензия-сини кўлга киритишган.

Сенат вакиллари шун-ингдек, «Цезий-137» изотопини ҳам Америкада кўлга киритиш нақадар осон эканлигини исбот-лашган.

— Даҳшатли бомба яра-тишда кўл келадиган бун-дай моддаларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиш шу қадар осон кечдики, бунга тасаввур қилиш муш-кул, — деган текширув иш-тирокчиси сенатор Норм Коулман.

## ЕТанинг мудҳиш режаси

Испанияда содир этилиши режалаштирилган муд-ҳиш кўпуровчиликнинг олди олинди.

Мамлакат полицияси Сантандер портидан йўлга чиқкишга шайланганга сайёҳлик паромига миналаштирилган автомо-билни олиб қиришга уринган шахсларни кўлга олган. Маъ-лулум бўлишича, ЕТА айримчилар гуруҳи аъзолари паромни 2400 нафар британиялик сайёҳлар билан бирга портлатиб юбормоқчи бўлишган. Кўпуровчиларга бошчилик қилган 22 ёшли шахс

Бухоролик хусусий тадбиркор Дилдора Агалиева миллий хунармандчилигимизнинг кўп асрлик анъаналарини тиклаб, уни янада ривожлантиришга азму қарор қилганлардан бири. У шу ниятда патдузликка меҳр қўйиб, киши кўзини қувонтирадиган кийим-кечаклар тайёрлашга асос солди. Бундай махсулотларга эҳтиёж катта бўлганига боис хунарманд иш ҳажмини оширишга, шогирдлар сафини кенгайтиришга чоғланди. Хом ашё сотиб олиш ва бошқа ҳаҷаратлар учун маблаг зарур бўлди. Шундай пайтда Д.Агалиева ўзи мижоз бўлган "Пахта Банк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси кредит бўлимига мурожаат этди. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган, унга бир миллион сўм қарз берилди. Тадбиркор аёл кредитни муддатда қопланганлиги боис бундай молиявий маддадан яна бир неча бор фойдаланди. Шунинг эвазига 1,5 миллион сўмлик кийим-кечак тайёрлашга, салмоқли миждорда фойда кўришга эришди. Энг аҳамиятлиси, хунармандчиликка кўнгил қўйган ёшлар иш билан таъминланди.

Бухоро тумани "Тадбиркор аёл" уюшмаси аъзоси Гулшод Шодиева ҳам "Пахта Банк" орқали кредит олиб, ўз фаолиятини ривожлантирмоқда. Унга Европа Иттифоқининг тикланиш ва тараққиёт кредит линияси бўйича турт миллион сўм қарз берилди. Бизнес-режа муваффақиятли рўёбга чиқарилганлиги туфайли кредит ўз муддатда қайтарилди. Аёллар сартаорлиқонаси, тўй либосларини ижарага бериш шохбачаси, новвойхона ва бошқа хизмат турлари йўлга қўйилди. Хозирги кунда олиб борилаётган бунёдкорлик ҳисобига кўп ўтмай қандолатчилик цехи ишга туширилади. Булар билан чекланимай, "Тадбиркор аёл" уюшмаси йўли билан олинган имтиёзли кредит ҳисобига "Сабрина" гўзаллик саломи устаси Гулноза Маъмурова беш хотин-қиз - Маърифат Раупова, Мақсуда Адизова, Зарина Хамраева, Зулхумор Комилова, Зарногор Очиловларга қисқа муддатда сартаорлиқ касбини ўргатди. Эзгу ният туфайли беш киши хунари бўлиб, халқимизга хизмат кўрсатувчилар сафидан ўрин олишди.



\* Ромитон туманидаги "Ахбор бува" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Жалилов ва галла қабул қилиш шохбачаси лаборанти Фуркат Раҳимов дон сифатини кўздан кечиришмоқда.

Юқорида тилга олинган мисоллар сингари далилларни ақиядорлик-тижорат "Пахта Банк", унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар бошқармалари фаолиятдан кўплаб келтириш мумкин. Президентимиз ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган иқтисодий ислохотларнинг бажарилишини таъминлашга ушбу молиявий муассаса ўз улушини қўймоқда. Банк томонидан кредит маблағларини иқтисодийнинг реал секторларига, шу жумладан аҳоли учун зарур бўлган махсулотларни ишлаб чиқарадиган технологикларни сотиб олишга йўналтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2007 йил 1 июль ҳолатига банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган кичик бизнес субъектлари сони 113581 тани ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1779 тага кўпайди. Тадбиркорларнинг 7974 та лоийҳаси молиялаштирилди. Берилган кредитларнинг умумий ҳажми 18,882 миллион сўмни ташкил этди. Унинг 13,577 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан эканлиги эътибор-

ҳажми салмоқли ошишига эришилмоқда. Энг асосийси қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли учун янги иши ўринлар вужудга келтиришга имкониятлар яратиб беришмоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳисобига яратилган ишчи ўринлар сони 2006 йилнинг 1 июль ҳолатига 10 873 тага ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 796 тага кўпдир. Шунинг ҳисобига ишлаб чиқарилган махсулотлар ва курсатилган хизматлар ҳажми 8 941,4 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бу соҳага жорий йил 1 июль ҳолатига 1210,4 миллион сўм кредит ажратилди. Бу кўзда тутилгандан 20 фоиз кўп деганидир. Оилавий бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида бандлик жамғармаси ҳисобидан тадбиркорларга 486,9 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилганлиги айна мударо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ихтимойий ҳимоя йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2007 йил 1 июль ҳолатига беш юзга яқин ёш оила-ларда 1039,5 миллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Республикаимиз аҳолисина, айниқса, энди турмуш қураётган ва ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида "Пахта Банк" томонидан уларга мебель ва узок муддат фойдаланиладиган уй-ўзғор бу-

**Қарор ва ижро**

риш соддалаштирилган бўлиб, мижоз банк раҳбари номига ариза билан мурожаат қилади. Бунда у заиннинг پاسпорти, тураржойдан маълумотнома ва олинаётган махсулотнинг олди-сотида шартномасини тақдим этади. 15 миңдан ортик мижозларга 12,5 миллиард сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилган. Ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда бу хайри ишга йўналтирилган маблаг қолдиғи қарийб икки баробарга ўсганлиги кўринади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш, улар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотларнинг ички бозорда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мамлакатимизда фаолият юритаётган "Roison Electronics" қўшма корхонаси, "Сино" ОАЖ, "Файз" компанияси ва шунга ўхшаш бир қатор йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулотларни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишга эътибор кучайтирилмоқда.

Бундан ташқари, 2001 йилдан буюн банк томонидан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида

Яқинда Президентимиз Наманган ва Андижон вилоятлари бўлиб, фаоллар, фермер хўжаликлари бошлиқлари билан учрашган эдилар. Юртбошимиз билан Тўрақўрғон туманида бўлиб ўтган мулоқотда бир гуруҳ фермерлар орасида чуқлиқ Ҳабибжон Арапов ҳам бор эди.

—Таассуротларим бир дунё, — дейди Ҳабибжон, — Бир-икки оғиз сўз билан ифодаб беролмайман. 2003 йилнинг 13 октябрь кунини туман ҳокимининг қарори билан менга фермер хўжалигини ташкил этиш учун 25 гектар ер ажратиб берилганди. Ушанда кўнглимга яхши ниятни тугиб, енг шимариб ишга киришдим.

**Эл-юрт эътирофи**

**Бунга чуқлиқ фермер Ҳабибжон Арапов ўз меҳнати орқали эришяпти**

Ха, Ҳабибжон Арапов кўнглига яхши ниятларни тугиб, акаси Ҳамиджон, жиянлари Улугбек, Хожикбар, турмуш ўртоғи Хатирани, фермер хўжалиги аъзолари Нодиржон Солипов, Толибжон Мамажонов, механикаторлар — Баҳромбой Дехқонов, Умиджон Матқаримов ва бошқаларни олиб, Ахча қишлоғининг тепа қисмидаги дашт-тошлоқ ерларда иш бошлади.

Галнинг очигини айтганда, у ерларда деҳқончилик қилиб, баракани топишнинг ўзи амри махол эди. Биринчидан, ер ўта тошлоқ, боз устига 22 километр олинсаги Фовасойдан сув олиб келишнинг ўзи азоб.

Суяғи меҳнатда, кўзи деҳқончилик ишларида қотиб-пишган Ҳабибжон ўзбекининг "кўз қўрқоқ, қўл ботир" деган мақолига амал қилиб иш тутди. Орта қолган йиллар давомида "Арапов Ҳабибжон Қўчқорович" фермер хўжалиги аъзолари галчилиқда ҳам, пахтачиликда ҳам мутассил равишда зиммаларидаги режаларини ортиги билан адо этишди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 15,5 гектар ердан 47,9 тонна бугдой етиштириб, давлатга 32,8 тонна дон сотилди. Пахта тайёрлаш режаси 6 сентябрдаёқ 123,9 фоизга ундланди, 10 гектар ердан режадаги 22 тонна ўрнига 27,5 тонналик хирмон яратилди.

—Шунга яраша даромадимиз чакки бўлмади. Биргина ўтган йилнинг ўзида 7 миллион сўм фойда кўрдик. Шунингдек ҳисобидан битта "МТЗ-80" трактори тирмакмаси билан, яна лицензия култиватор тракторига эга бўлди, — дейди фермер.

Ушбу фермер хўжалиги ерларига етиб борганимизда қуёш тиккага қилиб, пешин вақти бўлганди. Аммо дамои иш қизғин. Кимдир галладан бўшаган майдонларда сомон йиғиштириётган, бошқа бири гўза қатор ораларига ишлов бераётган трактор олдига эди.

—Тушликка кейинроқ чиқарман, — деди механикатор Умиджон Матқаримов. — Хозир ер жуда оби-тобида.

Кўёш тафтидан кун сайин кўска буй қузаётган гўза ниҳолларда 5-6 тадан бўлиқ қўсак, 10-12 тадан ҳосил тугунчалари бор.

—Эртдан танлаб-танлаб чеканкага тушмасак бўлмайди, — фермерга ўз фикрини айтди Муқсинали Қорабоев. — Йўқса, гўзаларимиз говлаб, ҳар бири 2-3 грамман дон босадиган ҳосилни бой бериб қўямиз.

—Жорий йил ҳосили учун 29,5 гектар ерга галланнинг "Қрош-ка" навини эккандик, — дейди фермер, — давлатга 79 тонна дон сотдик. Фермер хўжалигининг ҳар бир аъзосига 1 тоннадан бугдой берилди. Қўриб турганимиздек, пахтаимизнинг ҳолати ёмон эмас. Республикаимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида пахта тайёрлаш режасини бажариш ниятидамыз.

Кўёш забтига олган. Бироқ, гўза қатор оралари ишлов бераётган култиваторнинг овози ҳам, галладан бўшаган ернинг шудгорлаётган тракторнинг овози бир дам ҳам тинмайди.

—Кувончим чексиз, — дейди Ҳабибжон, —Юртбошимизнинг нур ёғилиб турган самимий чеҳраларини кўриш, қўл олиб сўрашиш, сўхбатидан баҳраманд бўлиш, бирга сурабта тушиш менга — олдий қишлоқ боласига насиб этди. Қолаверса, "Юртбошимиз" бу йилги деҳқончилик ишларимизга қўт-баракат тилади. Бу эса бизга янада ғайрат, шижоат бағълашди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

**Қишлоқ мулкдорлари ҳаётдан**

**"Чорвадор"нинг чароғон ўйли**

"Чорвадор" фермер хўжалиги жамоаси ҳам эл фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида меҳнат қилаётганлардан. Иш фаолиятини 2000 йилда 171 гектар ер билан бошлаган жамоанинг ер майдони бугунга келиб 211 гектарга этди. Қорамоллар бош сони анчага кўпайди. Етиштириладиган махсулот тури ортди, сифати яхшиланди.

Шунга монанд ошаётган даромадлар ҳисобидан ёрдамчи тармоқлар вужудга келмоқда. Фермер хўжалиги раҳбари Эргашбой Мадримов олий маълумотли иқтисодчи. Шу боисдан қилаётган ҳар бир ишининг самарасини олдиндан пухта ўйлайди. Тахрибаларга ва илмий хулосаларга асосланиб иш қўради. Ўтган йили 120 гектар майдон ҳисобидан 370 тонна пахта топириб, нақд 22 миллион сўм соф фойда кўрди. 15 гектар майдонда ўстирилган бугдойдан 32 тонна дон топириган "Чорвадор"чилар оғборларига 40 тоннадан зиёд бугдой киритди.

100 бошга яқин қорамоллардан олинадиган махсулотлар асосан бозорга чиқарилади. Сутнинг бир қисми ўзларидега ишланиб, ундан қаймоқ олинади, пишлоқ ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи қорхонада 23 нафар киши меҳнат қилиб, уларнинг ойлИК маошлари 55 миң сўмдан тўри келмоқда. Қорхонанинг ўзида бепул чой, иссиқ овқат ташкил қилинган.

—Фермер ўз техникаси, ўз жиҳазларига эга бўлмаса, хўжаликни ривожлантириши амри махол, — дейди Эргашбой Мадримов. — На чорвачилиқ, на деҳқончилик юмшларидега бировнинг техникасига кўз тикиб ўтирмаймиз. Узимизда ҳар биридан 3 тадан "Алтай-Т-4" ва МТЗ тракторлари, 2 та Т-28 тракторлари ва уларнинг тирмакмаси бор. Битта "Алтай"ни 40 миллион сўмга кредит ҳисобига олганмиз. Бу ҳам ҳурматли Юртбошимиз томонидан қишлоқ мулкдорлари учун яратилган имкониятлар самарасидир.

Мухтарам Президентимиз 17-18 май кўнлари вилоятга ташриф буюрганларидега фермерлар ҳаётинда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб, деҳқончиликда воҳанинг ўзига хос тупроқ ва иклим шартитидан келиб чиқиб иш юритиш яхши натижалар беришига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Бу фермерларнинг айна дилидаги сўзлардир. Хозирда вилоятда воҳа иклимида синовдан ўтган "Меҳнат", "Хоразм-127", "Бухоро" навлари каби гўзанинг бир неча тури парварши қилинмоқда. "Чорвадор" фермер хўжалигига қарашли 130 гектар майдондаги гўза ниҳолларнинг барчаси бир текис баравж ривожланиб гуллаш арафасида.

Пахта далаларида бўлганимизда механизаторлар Хударган Қаримов, Аҳмаджон Отаниёзовларни охири гектарларни култивация қилаётган пайтда учратдик. Улар ўз ишидан хурсанд. Ойлик маошлари 60 миң сўмдан тўри келаркан. Хирмон усти оладиган дони, байрамлардаги озиқ-овқат махсулотлари бу ҳисобдан ташқари.

Қишлоқ фўқаролар йиғини раиси Фарҳод Мадримовнинг айтишича, ҳамийлик қилиш фермерларимизнинг инсоний бурчига айлиб бормоқда. "Чорвадор" фермер хўжалиги аъзолари ўтган йилда ҳам таъминланган оилалардан бирининг фарзанди никоҳ тўйини ўтказган, иккита оилага бир бошдан ситир берган.

**Холмурод ҚУРБОНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири,**

Хоразм вилояти



\* Бухоро туманидаги "Сабрина" гўзаллик саломи устаси Гулноза Маъмурова.

**"Пахта банк" сармоясини —**

**мижозга мадад**

лидер. Мазкур субъектларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 2006 йилнинг 1 июлига нисбатан 126 фоизга ўсди.

Деҳқон ва фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 9.145 миллион сўм кредитлар ажратилди. Бу курсаткич 2006 йилнинг 1 июль ҳолатига таққосланганда 1304,7 миллион сўмга кўпайганлиги диққатга сазовор. "Пахта Банк" томонидан кичик бизнес субъектларига, фермер хўжалиқларига ажратилаётган микрокредитлар ҳажми ҳам салмоқли ошиб, ўтган йил шу даврига нисбатан 137 фоизга кўпайди.

Банк филиаллари томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес қорхоналарига ажратилаётган кредитлар ҳисобига махсулот ишлаб чиқариш

юмларини харид қилишга истеъмол кредитларини имтиёзли шартлар асосида ажратиб масаласида алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу йўналишда банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари томонидан мамлакатимизнинг қишлоқ жойларини истиқомат қилувчи аҳолига уларнинг эҳтиёжлари учун мўлжалланган буюмларни харид қилишга истеъмол кредитлари ажратиб келинмоқда. Хозирги пайтда "Пахта Банк"нинг ички меъёрий ҳужжатлари асосида истеъмол кредитлари 3 йилгача муддатга, мебель, электрон ва машиий техникалар, тураржойни таъмирлаш учун қурилиш моллари харид қилиш, тўй маросимларини ўтказиш, даволаниш ва соғлиқни тиклаш, таълим олиш мақсадлари учун берилмоқда. Кредит олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларни расмийлашти-

таълим олаётган талабаларга таълим кредитлари ажратиб келинмоқда. Шундай молиявий мадад бақалавар йўналишига 10 йилгача, магистрларга эса 50 йилгача муддатга берилади. Таълим кредитини расмийлаштиришда қулайликлар яратилган, яъни кредитни талаба ўзининг ёки ота-онасининг номига расмийлаштириши мумкин. Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларга таълим кредити учун белгиланган устамо 50 фоизга камайтирилганлиги ёшларга енгиллик туғдиради. "Пахта Банк" филиалларининг таълим кредити ҳисобидан ўқиган бир неча юзлаб талабалар бугунги кунда олий ўқув юртларини тугатиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

**С.АЛИЕВ**  
Ҳақим ҚУРБОНОВ олган суратлар

**Фаолиятда ибрат юртдошлар**

**Сохибқор фарзанди, деҳқончилик билимдонини**

Исматулла Эрнazarовнинг илмий-амалий фаолияти ҳам айнан шуни тўла тасдиқлайди. У қарийб ярим асрдан буюн деҳқончиликнинг илмий асосида ташкил этиш йўналишидаги сайёҳаракатлари билан эл-юртга хизмат қилиб келмоқда.

Деҳқончилик Исматулла акага ота касб. Падаари бузруквори Эрнazar бобо фақат Гувалядагина эмас, тева-рак-атрофдаги бошқа қишлоқларда ҳам ном чиқарган сохибқор деҳқон эди. Исматулла болалигиданоқ отасининг ёнида юриб, унга кўмаклашар, ҳар қандай ишдан қочмас эди. Шу тариқа ёшлигидан меҳнатда тобланиб, деҳқончиликда кўзи пишиб борди.

Урта мактабни битиргач, қишлоқ хўжалиги мутахассислигини танлади. Самарқанддаги қишлоқ хўжалиқ институтининг агрономия факультетига кириб ўқиди.

Институтни битиргач, дастлаб илмий ходим бўлиб ишлади. 1962 йили эса Украина Фанлар академияси Усимликлар физиологияси илмий тадқиқот институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. Бу ерда у махкажҳорини дуррагилашнинг физиолог ва биохимиявий хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот олиб борди ва диссертациясини ҳамма қилиб, биология фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Исматулла Эрнazarовнинг қарийб ўн йиллик илмий-педагогик фаолияти хозирги Қарши Давлат университети билан боғлиқ. Биология ва қишлоқ хўжалигига қизиқувчан ёшларни илм билан шугулланишга жалб этиб, уларга устозлик қилди.

Қарши чўлини ўзлаштириш ва суғориш ишлари авж олиб, янги ташкил ятли вазифада унинг ташкилотчилик қобилияти янада ёрқин намоян бўлди.

У Қарши чўли шариитида ингичка толлани пахта ҳосилдорлигини ошириш устида илмий иш олиб борди.



Қишлоқ хўжалиқ фанлари доктори, профессор Исматулло Эрнazarов магистр Раъно Шумуламидова ҳамда қишлоқ хўжалиқ фанлари номзоди Нилуфар Эрнazarова билан бугдой донининг қимёвий тарихини аниқлашмоқда.

**Хабар**

**Йод танқислиги акцияси**

Тошкентда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан йод танқислиги ва темир моддаси етишмовчилигининг олдини олиш ишларини тарғиб қилишга бағишланган ёшлар акциясининг Республика босқинида Тошкент шаҳридаги мактаблар қошида ташкил қилинган ўттиз олти соғломлаштириш оромгоҳи тарбияланувчилари иштирок этиб, соғлом турмуш тарзини яратишда нима-ларга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлишди. Акция давомида болаларнинг маданий ҳордиқ олишларини таъминлаш мақсадида ўзбек эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастурлари ҳам ташкил этилди.

**К.РАВШАНОВ,** Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

М.КОМИЛОВ олган сурат.

**«Туркистон-пресс»**

**Эъзоз**

— Сирдарё вилояти ўруш қатнашчилари, шу жумладан, афғон уруши иштирокчилари, уруш орқасидаги меҳнат фахрийлари, яъни вилоят иқтисоди ва маданиятини юксалтиришга муносиб хисса қўшаётганларнинг меҳнатни қадрлашда вилоятнинг шаҳар ва туманларда барпо этилган "Хотира" музейларини ва вилоят "Хотира" музейининг аҳамияти катта бўлаяпти, — дейди Нуруний жамғармаси вилоят бўлими раиси Абдусаттор Муҳаммедов.

— Хозирги кунда вилоятимизда 315 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронлари, 4200 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар истижомат қилинади. Улар ҳар бир маҳалланнинг ифтихори ҳисобланади. Шунинг учун улар доимо иззатда — зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам курсатилмоқда.

Ҳа, бу соҳада барча қорхона, ташкилот, "Маҳалла" жамғармалари, ногиронлар ташкилотларининг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Гулистон шаҳридаги "Хотира" майдонидега қарийб 10 йилдан буюн фаолият кўрсатаётган вилоят музейига шу кунгача ўн миңдан ортик меҳмонлар, ёшлар келиб кетишди, — дейди музей раҳбари меҳнат ва уруш фахрийси Эркин Аҳоров.

"Нуруний" жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ўқув юртларида, маҳаллаларда мустақиллик байрамига бағишлаб икки авлод учрашувларини ўтказмоқда. Яқинда шундай учрашувлар Гулистон академик лицейида ва тиб-

**МИНСК TRAKTOR ЗАВОДИ**

**Узбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали**

**МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ**

**МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақийф этади.**

**Шумурод ХОЛМУРОДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.**

Сирдарё вилояти

Монтеилимиз: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11.  
**КАМАЗ АРСЕНАЛ**  
Тел: 361-40-33, 361-40-90, 361-40-75

# Янги ўқув йили янги мактабда

Қарши тумани Ертепа қишлоғи ёшлари навбатдаги ўқув йилини янги мактабда бошлашади. Шу ердаги 19-сонли мактаб учун янги замонавий бино қад ростламоқда. Қурилиш ишларини «Қашқадарёдеҳқонқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг бунёдкорлари олиб боришмоқда. Умумий қиймати 743 миллион сўмлик ушбу таълим маскани Мустақилликнинг 16 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.



490 ўринли ушбу мактаб меъморчилигимизнинг энг сўнгги услублари асосида барпо этилмоқда, дейди 1-вакиллик бошлиғи Мухторжон Умиров. Унда таълим оловчи ёш авлод учун барча қулайликлар яратилади.

ёпишда маҳаллий шароит талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаямиз, — дея қўшимча қилди мажмуа бригада бошлиғи Хусниддин Мухаммадиев.

Мактабимиз ҳудуди 3 гектар бўлиб, стадион, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари қурилиши ҳам тезкорлик билан бораётган, — дейди мактаб директори Арслон Усмонов. — Биз халқ таълими ходимлари ҳуқуқимизнинг бу гамқўрлигига таълим сифатини яхшилаш билан жавоб берамиз.

Албатта, бу юксак масъулият бизни доимо ўз устимизда ишлашга ундайди, — деб сўхбатга қўшилди туман халқ таълими бўлими бошлиғи Носир Каримов. — Шунингдек, тумандиқ мавжуд 59 та мактаб капитал таъмирланиши кўзда ту-

тилган. Биргина шу йилнинг ўзига 5 та мактаб реконструкция қилинса, 11 та таълим маскани обдон таъмирланади. Қутубоналарга ўқув дарсликлари тўлиқ етказиб берилди, ўқитувчилар аттестациядан ўтказилди.

Туман халқ таълими ходимлари янги ўқув йилига ана шундай ҳамжиҳатлик билан ҳозирлик кўрмоқдалар. Шундай экан бу масканларда таълим оладиган ёш авлод илмли, маърифатли, Ватанига садоқатли бўлиб вояга етишиши, — дея баралла айтишимиз мумкин.

Хусан ТЕМИРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.  
СУРАТЛАРДА: Ертепа қишлоғидаги янги замонавий мактаб биноси; Қурувчилар: автокран бошқарувчиси Рузи Ҳақимов, 1-вакиллик бошлиғи Мухторжон Умиров, гишт терувчи Хўжамкул Бегимкулов. Қашқадарё вилояти

## Триатлон Вакилларимиз иштироки ёмон эмас

Яқинда Жанубий Кореянинг Тонгён шаҳрида триатлон бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Қитъанинг 14 давлатидан келган 166 нафар спортчи ўз ёш тоифаларида мусобақалашдилар. Ҳамюртимиз Артём Михеев 19-23 ёшлилар гуруҳида марраги иккинчи бўлиб кесиб ўтиб, мусобақанинг кумуш медалига лойиқ топилди. Катталар ўртасида Иван Морозов мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди. 1,5 километр масофага сузиш, 40 километр велосипед пойга, сўнгра 10 километр югуриш шартларидан иборат мажмуа спорт тури спортчидан жуда катта куч ва ирода талаб қилишни тасаввур қилиш қийин эмас. Морозов бу масофаларни 1 соат 53 дақиқа 19 сонидега босиб ўтди. У ўтган йилги мусобақадан бунинг учун 1 соат 58 дақиқа вақт сарфлаганди. Иван Морозов катталар мусобақасида илк бор иштирок этишига қарамай 342 рейтинг очкосини тўплашга муваффақ бўлди.

# СПОРТ

## Футбол Рекоба тақдирини номасълум

Уругвайлик тажрибали ҳужумчи Альваро Рекоба янги мавсумни «Наполи» сафида бошлаши мумкинлиги ҳақидаги хабар футболчиларнинг агентини Пако Касал томонидан инкор этилди: «Бу маълумот мутлақо ҳақиқатдан йироқ. Рекобанинг «Наполи» билан ҳеч қандай алоқаси йўқ». 10 йилдан буюн «Интер» шарафини ҳимоя қилиб келаятган футболчининг сўнгги мавсумида миланликлар бош мураббийси Роберто Манчини кўп учрашуларда захирада қолдиришни маълум қилди. Рекоба бутун мавсумда 13 марта ба майдонга тушди. Бу эса унинг жамоани тарқ этиши эҳтимолини келтириб чиқарди. Шу сабаб бўлса керак, мавсум якунига етгач, Жанубий америкалик футболчи Испаниянинг бир нечта клублари қизиқиши билдира бошлашди. Улар орасида яқиндаги етакчи ҳужумчиси Фернандо Торресни «Ливерпул»га сотиб юборган Мадриднинг «Атлетико» клуби ҳам бор.

## Теннис // Мария ва Светлана ўйнамайди

Россия аёллар тенниси жамоаси 14-15 июль кунлари ўтказиладиган АҚШ террасига қарши Федерация Кубоги баҳсларида етакчи спортчиларсиз ҳаракат қилади. Елкасидан жароҳат олган икки теннисчи — Мария Шарапова ва Светлана Кузнецова ўйин санасига соғлиқларини тиклай олишмас экан. АҚШга қарши рус теннисчилардан Надежда Петрова, Анна Чакветадзе, Елена Веснина ва Алла Кудрявцева қотган чикадилар.

## Бокс Профессионал боксинг суперогир вази тоифаси WBC камари соҳиб Олег Маскаев чемпионлига даъвогар бўлган нигериялик Самуэль Питерга қарши рингга чиқишдан беш тортмоқда.

Россиялик боксинг менежер ва тарафдорлари жангга қўйилган мукофот пули уларни каноатлангирмаслигини маълум қилишди. Шу баҳона бўлиб, Маскаев учрашув ўтказилишини тасдиқлайдиган шартномага кўл қўймаган. Гап шундаки, мазкур қизиқарли баҳс ҳукуқи машҳур Дино Дува промоутерлик компаниясига тегишли бўлиб, нигериялик боксчи ушбу компания вакили ҳисобланади. Ташкилотчилар жанг ютук миқдорини 3,2 миллион доллар, деб эълон қилишган. Россиялик боксчи юқоридиқ сумманинг факатгина 55 фоизига эгалик қилар экан. Аслида эса WBC қондаларига кура, чемпион ва даъвогар боксчига ютук 70 фоизга 30 фоиз қилиб бўлиниши керак.

## Маскаев ҳозирча норози

Россиялик бокснинг менежер ва тарафдорлари жангга қўйилган мукофот пули уларни каноатлангирмаслигини маълум қилишди. Шу баҳона бўлиб, Маскаев учрашув ўтказилишини тасдиқлайдиган шартномага кўл қўймаган. Гап шундаки, мазкур қизиқарли баҳс ҳукуқи машҳур Дино Дува промоутерлик компаниясига тегишли бўлиб, нигериялик боксчи ушбу компания вакили ҳисобланади. Ташкилотчилар жанг ютук миқдорини 3,2 миллион доллар, деб эълон қилишган. Россиялик боксчи юқоридиқ сумманинг факатгина 55 фоизига эгалик қилар экан. Аслида эса WBC қондаларига кура, чемпион ва даъвогар боксчига ютук 70 фоизга 30 фоиз қилиб бўлиниши керак.

# Майдонда жон берган, лекин елкаси ерга тегмаган полвон

Х асрда яшаган ватандошимиз, буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунари» китобида кураш ҳақида тўхталиб: «Икки курашувчининг ҳар бири рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади. Шу билан бирга, курашувчи ўз рақибидан қутулишининг чорасини кўради. Иккинчиси эса уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади», дейди. Демак, билиш мумкинки, курашнинг тарихи анчайин қадимга бориб тақалади.

Мўғуллар боксини даврида турилган Пахлавон Махмуд ҳам кураш борасида кураги ерга тегмаганлардан ҳисобланган. Машҳур рус олим академик С.П.Толстов Хоразмда олиб борган археологик изланишларида ҳам кўплаб маълумотлар тўплаган. Курашнинг қийиниш маданияти ҳам ўзига хос бўлган. Улар доимо энгли либос кийганлиги олимлар томонидан эътироф этилади.

Қадимдан ота-боболаримиз кураш майдонларини жисмоний куч-қувватини қай даражадалигини белгиласи жой, деб билишган. Кураги ерга тегиб қолишни эса жисмонан кучсиз деб тан оlishган. Ўз даврининг гурурли инсонлардан бири фарғоналик Холикберди полвон бўлган. У 1949 йил баҳорининг сўнгги ойларидан бирида набарасини етлақлаб кўчага чиқди. Фарғона шаҳар сайилгоҳида кураш бўлаётганини эшитишди, ўша жойга йўл олади.

## Кураш тарихидан

Сайилгоҳ одам билан тўлган. Шовқин-сурон, «Кўтар! Йикит!» каби овозлар баралла эшитилаётди. Олтимишдан ошган Холикберди Полвон чекрақондан жой олди. Томоша қизгандан қизиди. Келаятган курашчилар ҳам бисёр. Қирғизистон, Тоғжикистондан полвонлар ташриф буюрган. Давра катта. Холикберди Полвон курашни қузатиб ўтирар экан, ёши ўтганидан афсусланиб кўради. Шу пайт томошабинлар орасидан кимдир Ҳамид Полвон билан Холикберди Полвон даврага тушсин, деб қолди. Холикберди Полвон ўша овозни эшитган, сапчиб ўрнидан турди. Аммо Ҳамид Полвон ёш. Энди қирққа кирган қирчилама йигит. Бирок, кўркса, фурур ўлади. Эрта бир кун даврдан қочдинг, дейишдан чўчидими ёки қариллики тан олишни истамадими, ҳайтовур даврага чиқди. Олишиш авж олди. Бири қўйиб, иккинчиси роса бир-бирларини кўтариб, ерга йиқитди. Ҳакам кекса киши чарчамасин, дея тўхтатмоқчи бўлганида, Холикберди Полвон эътироз бил-

дирди. «Мен оғирман, лекин кўчимиз кўп. Шу зайл оз эмас-кўп эмас, 120 килограммлик Ҳамид полвон билан 145 килограммлик Холикберди Полвон икки соат курашди. Фақат орада икки марта дам олишди. Унда ҳам белбоғ ечилгани сабаб бўлди, холос. Дам олишга чиққач, Холикберди Полвон бир пийла чай ичиб, кўкча тикилди. Юларидиқ терни артар экан, майдонга раам солиб мийғида қулиб қўйди-ю, ўтирган жойида ёнбошлади! Кўзлар юмилиб, боқий дунёни елкаси ерга тегмай жон берди.

Халқимизда «Эр йигитнинг уялгани — ўлгани», деган гап юради. Холикберди Полвон айнан ана шундай одам эди. Унинг гурури олтимишдан ошганида ҳам юксак эди. Бу воқеани ёзганимиз, буюк ёзувчи Гомернинг қўлидаги ҳикойивий тасвир ёдга келди. «Курашчилар белбоғларини тақиб, майдон ўртасига чиқдилар ҳамда қўллари билан маҳкам чирмашиб, бир-бирларини кучиб олдилар. Кучли кучоклашиб остида қахрамонларнинг гавдалари қирсиллайди, эвриқлади ва улардан тер қуйила бошлади. Курашчилар гавдасидан қонлар сизиб чиқа бошлади. Лекин улар беллашишни давом эттиравердилар». Эрамиздан олдин битилган мана шу тасвирдаги кураш бугун ҳам шундай. Майдонга чиққан полвон гурурини қаттиқ ҳимоя қилади.

Биз юқориде келтирганимиз, Холикберди Полвон воқеаси ҳам айнан шунинг ўзгинаси. Кураш майдони йигит жасоратини кўз-кўз қилади. Даврага чиққан курашчилардан жисмонан бақувват, кучли руҳий қудрат соҳиб бўлмоғи талаб этилади. Шунданки полвонлар ота-боболаримиз томонидан эъозланиб келинган. Орадан асрлар ўтса-да, бу спорт тури йўқолмаган. У хали-хануз ёшларга тарбия мактаби вазифасини бажариб келаятир. Носир АЗИЗОВ, Халқаро белбоғли кураш академиясининг аъзоси.

## Кулаётган дунё

— Углингиз кимга ўхшайди? — сўрашди унинг онасидан. — Дадасига ўхшайди, — тинмай ухлайди, уйғонганда эса бутилкага талпинади. — Мен шундай маош оламани, сенга ўхшаган хотиндан учтасини таъминлашим мумкин. — У ҳолда биз билан онам, бувим ҳам бирга ўшайдилар.

## Ўқитувчи ўқувчига:

— Бугун қўшиндан кўчиратганингиз кўрмаймак, деган умидданман, — деди. — Мен ҳам худди шундай умидданман... Дўконлардан бирининг хўжайини ҳеч нарса сотиб олмаган харидорларни ва бунинг сабабини қайд этиб борадиган китоб юритишни буюрди. Бир кун дўконга кирган аёл қора кийимларни узоқ кўрди, лекин сотиб олмай чиқиб кетди. Сотувчи бошини қашлади ва ёзиб қўйди: «Харидор аёл қора кийимларни узоқ кўрди, аммо сотиб олмади. Эри хали ўлмаган бўлса керак».

# Нега «кунгабоқар» деймиз?



Кунгабоқар ўз «жамоли»ни доим офтобга қаратиб ўсади. Усимликнинг соя томонининг ўсиши бир хил бўлмай, соя томони тезроқ ўсади.

Мана шу икки томон ўртасидаги номувофиқлик ўсимликни кўега қараб «эгилиш»га мажбур қилади. Бу унинг муҳитга мослашишидир. Лекин бу мослашишнинг туб моҳияти масаласи олимларга узоқ вақтгача қорғиқ бўлиб келди. Дастлаб олимлар ўсимликнинг кўе томонга эгилишига унинг учидиқ махсус бир модда сабабчи эканлигини аниқлашди. Узоқ изланишлардан сўнг олимлар бу сирли моддани ўсимликдан ажратиб олдилар. Усимлик хўжайининг ишлаб чиқарадиган бу моддага «ауксин» деган ном берилди. «Ауксин» грекча «ауксанос» сўзидан олинган бўлиб, «катта қиламан», «ўстираман» деган маънони билдиради. Кўеб нури таъсирида ауксин моддаси ўсимликнинг соя томонига кўеб, шу томонни тезроқ ўтирар экан. Натияжада, ўсимлик кўега томон эгиларкан.

## Ўқинг, қизиқ

Маккажўхори ўсимлиги қандай келиб чиққан, у биринчи марта қаерда ва қачон экилган? Бу саволлар кўпчиликини қизиқтиради, албатта.

Мутахассислар ишончли далилларга асосланиб, маккажўхори жуда қадимий ўсимлик, у даставвал бундан бир неча юз йил муқаддам

## «Дала маликаси» сарғузашти



Америкада экила бошлаган эди, деган хулосага келишган.

Бу ўсимлик ҳақида дастлабки маълумотлар испан ва португал тилларидаги адабиётларда учрайди. Маккажўхори бундан 500-600 йиллар илгари Америка қитъасидаги маҳаллий қабилаларга яхши маълум бўлган. Утмишда маккажўхоридан турли максдаллар ва турли усулда фойдаланилган. Масалан, маккажўхорининг қил-қизил рангли сўтаси овқатларга ранг беришида ишлатилган. Поясидан эса сироп ва вино тайёрланган. Базан қувориб, базан эса қувормасдан хомилича ейишган. Бора-бора инсонлар маккажўхори донини май-

## У Испаниядан сўнг Португалия, Италия мамлакатларида оммалашди.

ХVI асрнинг охирида келиб Хитойда етиштирила бошлади. XVII асрдан эса маккажўхори Марказий Осиёга етиб келди.

Бугунги кунда «дала маликаси» деб ном олган бу ўсимликнинг ҳаётимизда муносиб ўрни бор. Маккажўхорининг

**Бош муҳаррир**  
**Чори ЛАТИПОВ**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Саид АҲМАД, Ўқтам БАҲНОЕВ, Ағатай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОҲОВ (Масъул котиб), Комилжан МАМАЖОНОВ

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Агроекономика ва қишлоқчилик вазирлигининг қишлоқчилик ва заминовчилик бўлими

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Кабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибхона - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**  
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**  
Матни учун буюртмачи жавобгар  
Тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй